

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ


Рўйхатга олинди:

№ БЛ – 5310900 – 3.11

2018 йил “26” 05

Олий ва ўрта махсус
таддим вазирлиги

2018 йил “14” 06



ЎЛЧАШ УСУЛЛАРИ ВА ВОСИТАЛАРИ

ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси: 300 000 – Ишлаб чиқариш техника соҳаси
Таълим соҳаси: 310 000 – Муҳандислик иши
Таълим йўналиши: 5310900 – Метрология, стандартлаштириш ва
махсулот сифати менежменти (саноат)

Тошкент – 2018

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2018 йил “14” 06 даги 531 -сонли буйрганинг 10 -иловаси билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 2018 йил “26” 05 даги 2 -сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Тошкент давлат техника университетида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

- Қодирова Ш.А. – “Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш” кафедраси доценти, т.ф.н.;
- Назарбаева Б.А. – “Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш” кафедраси, катта ўқитувчи.
- Ахмедов Б.М. – Илмий-техникавий ва медицина хужжатлари марказий Ўзбекистон давлат архиви директори, профессор, т.ф.д.

Тақризчилар:

- Шипулин Ю.Г. – ТДТУ, “Бошқарувда ахборот технологиялари” кафедраси профессори т.ф.д.
- Махмудов Х.М. – Ўзстандарт агентлиги бош мутахассиси, доцент, ф-м.ф.н.

Фан дастури Тошкент давлат техника университети Кенгashiда кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2017 йил “29” 12 даги 4 -сонли баённома).

I. Ўқув фанининг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни

Ушбу дастур “Ўлчаш усуллари ва воситалари” фанининг “Электр ўлчаш усуллари ва асблоблари” қисми, унинг асослари, қисқача тарихий тараққиёти ривожининг тенденцияси, истиқболи ҳамда республикамиздаги ижтимоий-иктисодий ислоҳотлар натижалари ва муаммоларнинг электр ўлчаш усуллари ва асблоблари мухандислик ва мухандислик иши, метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш йўналиши соҳаларида ишлатиладиган электр ўлчаш воситалари, ҳатоликлар, уларни баҳолаш ва уларга оид масалаларини қамрайди.

“Иссиқлик техникасида ўлчашлар” фани иссиқлик техникасида ва ишлаб чиқариш жараёнларининг бошқа тармоқларида қўлланиладиган ўлчаш воситалари, бирликлари, улардан фойдаланиш каби масалаларни ўз ичига олади “Чизиқли-бурчакли ва акустик ўлчашлар” фани чизиқли-бурчакли ўлчашлар, Механик усуллар ва асблоблар, электрик усуллар ва асблоблар, акустик ўлчашлар, асосий акустик ўлчашларни бажариш шароитлари, ўлчанадиган сигналларнинг таҳлили каби маълумотларни ўз ичига олади.

“Физиковий-кимёвий ўлчашлар” қисми технологик жараёнларни назорат қилиш ва бошқаришда қўлланиладиган ўлчаш асблоблари, усуллари ва уларнинг асосий сифат кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотларни ўзига қамраб олган. Шу билан бирга ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини оширишда, сифат тизимини жорий этишда физиковий-кимёвий ўлчашларнинг муҳимлиги, маҳсулот сифат кўрсаткичларини аниқлашга катта аҳамият берилади.

Ушбу фан сифат тизимини замонавий бошқариш, ахборот технологияларини жорий қилиш ва ривожланиши истиқболлари, ҳамда республикамизда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда хизматлар кўрсатилишини сифатини ва рақобатбардошлиги оширишда юзага келаётган муаммоларни ҳал этиш ва сифат бошқарувининг истиқболига таъсири масалаларини мужассам этади.

“Ўлчаш усуллари ва воситалари” ўқув фани – 5310900 – “Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти” таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлашда асосий

ихтисослик фанларидан хисобланиб, 3,4,5,6,7-семестрларда ўқитилади. Даастурни амалга ошириш учун ўқув режасида режалаштирилган математик ва табиий (олий математика, физика, электроника, электротехника, информатика, назарий механика), ихтисослик (назарий ва амалий метрология) фанларидан етарли билим ва кўникмаларга эга бўлишлик талаб этилади.

II. Ўқув фанининг мақсади ва вазифаси

Фанни ўқитишдан мақсад – талабаларда электр ўлчашлар, ўлчаш усуллари, ўлчаш воситалари, уларнинг иш принциплари, ҳар хил электр, магнит катталикларини ҳамда электр занжир параметрларини ўлчаш бўйича, ўлчаш хатоликлари уларни баҳолаш бўйича, физиковий-кимёвий ўлчашларда модда ва материалларнинг сифат кўрсаткичлари хусусиятларини аниқлаш ва баҳолаш борасидаги мавжуд усуллар ва воситалар, уларнинг афзалликлари ва камчиликлар бўйича, иссиқлик техникасида ўлчашларда иссиқлик ва модда алмашинуви жараёнларини бошқаришдаги харорат, босим, моддалар сарфи ва сатхини ўлчаш усуллари, ўлчаш натижасида ҳосил бўладиган хатоликларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича йўналиш профилига мос таълим стандартида талаб қилинган тасаввур, билим, кўникма ва малакаларни шаклаштиришдир.

Фанинг вазифаси – уни ўрганувчиларга:

- электр занжир параметрларини ўлчаш усулларини;
- электр ўлчаш воситаларининг турлари, тузилиши, умумий назарияси, ҳар хил катталикларни ўлчаш усулларини;
- ўлчаш натижаларини баҳолаш йўлларини;
- модда ва материалларнинг сифат кўрсаткичларининг физиковий-кимёвий хусусиятларини;
- иссиқлик техникасида фойдаланиладиган ўлчаш воситаларини назарияси, турлари ва тузилишини ҳамда уларни кўллай олишни ўргатишдан иборат.

Фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қуидаги талаблар кўйилади. **Талаба:**

- ишлаб чиқариш корхоналарида, саноат корхоналарида, илмий-тадқиқот ишларида ишлатиладиган электр ўлчаш усуллари, ўлчаш воситалари, уларнинг хусусиятлари, модда ва

материалларнинг физиковий-кимёвий хусусиятлари, иссиқлик ва модда алмашинуви жараёнларини бошқаришдаги харакат, босим, моддалар сарфи сатхини ўзгариши **ҳақида тасаввурга эга бўлиши;**

- ўлчаш воситаларининг ривожланиш тенденцияларини, ўлчаш усулларини, ҳар хил электр, магнит катталикларини, электр занжир параметрларини ўлчай билиши, электр ўлчаш воситаларининг метрологик хусусиятларини;

- моддаларнинг таркиби, сифат кўрсаткичлари, ҳамда физиковий-кимёвий хусусиятларини;

- физиковий-кимёвий хусусиятларнинг моҳияти ва уларни ўлчаш воситалари, асбоблари ҳамда усуллари билан танишиши;

- иссиқлик техникасида ўлчаш, синаш ва назорат қилиш учун ишлатиладиган ўлчаш воситаларини назарияси ва амалда кўллаш асосларини;

- иссиқлик техникасида ўлчаш воситалари турлари, тузилиши ва ишлатиш доирасини **билиши ва улардан фойдалана олиши;**

- талаба саноат корхоналарида, илмий-тадқиқот ишларида кўлланиладиган электр ўлчаш воситаларини тўғри танлаш, уларнинг оптималь кўрсаткичларини хисоблаш, электр ўлчаш воситаларини амалда қўллай билиш, ўлчаш натижаларини хисоблаш ва баҳолаш;

- лойиҳаланаётган назорат-ўлчаш қурилмаларининг техник-иктисодий кўрсаткичларини хисоблаш;

- техник воситалар ёрдамида ўлчаш, иктиносий ахборотларни тўплаш, қайта ишлаш ва бериш бўйича;

- иссиқлик техникасида кўлланиладиган ўлчаш воситаларининг сифат кўрсаткичларини аниқлаш ва баҳолаш;

- модда ва материалларнинг физиковий-кимёвий хусусиятларини аниқлаш усулларини амалда қўллай билиш каби **кўникмаларига эга бўлиши керак.**

- талаба ишлаб чиқарилаётган ва ишлатилаётган электр ўлчаш воситаларини, ўлчаш усулларини, ўлчаш хатоликларини, ўлчаш натижаларини қайта ишлаш ва баҳолашни тахлил қилиш, улардан самарали фойдаланиш, ўлчаш воситаларини танлаш ва ўлчаш тизимини лойиҳалаш;

- эксперимент натижаларини қайта ишлаш асосий усуллари ва йусинларидан фойдаланиш бўйича;

- табиий фанлар турли бўлимлари учун хос бўлган қийматлар рақамли тартибини ўлчаш ва баҳолаш бўйича;

- назорат-ўлчаш асбобларидан фойдаланиш соҳасида хисоблаш техникаси ҳамда дастурий таъминот имкониятларидан фойдаланиш ва программалаштириш бўйича *малакаларига эга бўлиши керак*.

III. Асосий назарий қисм (маъруза машғулотлари)

“Электр ўлчаш усуслари ва асбоблари” қисми бўйича:

1-Модул. Электр ўлчаш асослари

1-мавзу. “Электр ўлчаш усуслари ва асбоблари” фанига кириш

Кириш. “Электр ўлчаш усуслари ва асослари” тўғрисида. Фанинг қисқача ривожланиш тарихи ва ривожланиш тенденциялари, унинг фан ва техниканинг ривожидаги аҳамияти ва роли.

2-мавзу. Электр ўлчашлар бўйича умумий маълумотлар.

Электр ўлчашлар ва уларнинг хусусиятлари. Ўлчаш ҳақида тушунча, ўлчаш жараёни, унинг структураси ва элементлари. Физикавий катталиклар, уларнинг сифат ва миқдорий тавсифлари. Катталиктининг қиймати, ўлчами, бирликлари. Информация, ўлчаш инфомрацияси, сигналлар, уларнинг турлари. Параметрлар (информатив, ноинформатив).

3-мавзу. Электр ўлчаш турлари ва усуслари.

Бевосита, билвосита, биргаликда, мажмуий ва биргаликда ўлчаш турлари. Бевосита баҳолаш усули, ўлчов билан таққослаш (солиштириш) усуслари (нолга келтириш, дифференциал, ўриндошлик ва мос келиш). Статик ва динамик ўлчашлар. Дискрет ўлчаш усули (кетма-кет ҳисоб усули, таққослаш ёки солиштириш, санок усули).

4-мавзу. Ўлчаш хатоликлари ва уларни баҳолаш.

Хатоликлар назариясининг умумий ҳолатлари. Ўлчаш хатоликлари ва уларнинг классификацияси. Асосий ва қўшимча хатоликлар. Мунтазам, тасодифий, кўпол хатоликлар. Мунтазам хатоликларни бартараф этиш йўллари. Тасодифий хатоликларни тақсимланиш қонуниятлари. Ўлчаш натижаларини эҳтимолий

баҳоланиши. Бевосита ва билвосита ўлчаш натижаларини қайта ишлаш. Статик ва динамик хатоликлар.

2-Модул. Электр ўлчаш асбоблари ва улар ёрдамида ҳар хил катталикларни ўлчаш.

5-мавзу. Электр ўлчаш воситалари тўғрисида умумий маълумотлар.

Ўлчовлар, эталонлар, ўлчаш ўзгарткичлари, ўлчаш асбоблари, ўлчаш қурилмалари, ўлчаш тизимлари. Ўлчаш воситаларининг умумлашган структура схемаси. Ўлчаш воситаларининг метрологик хусусиятлари. Ўлчовларнинг турлари (бир қийматли, кўп қийматли, ўлчовлар тўплами). Электр ўлчаш ўзгарткичлари: шунт қаршилиги, қўшимча резисторлар, кучланиш бўлгичлари, ўлчаш трансформаторлари, тўғрилагичли ва термоэлектрик ўзгарткичлар, аналог-рақамли, рақам-аналогли ўзгарткичлар, электр ўлчаш асбоблари, уларнинг турлари, ўлчаш қурилмалари, информацион ўлчаш тизимлари ва уларнинг функцияси.

6-мавзу. Аналогли электр ўлчаш асбоблари.

Электромеханик ўлчаш асбобларининг умумий назарияси. Электромеханик ўлчаш механизмларининг турлари (магнитоэлектрик, электромагнит, индукцион ва ҳ.к.). Электромеханик турдаги асбобларнинг ишланиши, хусусиятлари ва улар ёрдамида электр (ток кучи, кучланиш) катталикларини ўлчаш Электродинамик ўлчаш механизмлари ва уларнинг кувват ўлчашда ишлатилиши. Индукцион тизимли ҳисоблагичлар, уларнинг хусусиятлари.

7-мавзу. Тўғрилагичли асбоблар.

Тўғрилагичли асбоблар тўғрисида умумий маълумотлар. Битта ярим даврли, икки ярим даврли тўғрилаш схемаси бўйича ишланган тўғрилагичли асбобларнинг ишланиши, хусусиятлари. Ўзгарувчан ток занирларида ишлатиладиган тўғрилагичли амперметрлар, вольтметрлар.

8-мавзу. Электрон асбоблар.

Ўзгармас ва ўзгарувчан ток занжирларида ишлатиладиган электрон вольтметрлар. Структура схемалари. Амплитуда қийматли, эффектив, ўргача қийматли электрон вольтметрлар, уларнинг ишланиши, хусусиятлари, Термоўзгарткичли таъсир этувчи қийматли электрон вольтметрлар. Электрон ҳисоблагичлар.

Структура схемалари, алоҳида блокларининг функцияси, хусусиятлари.

9-мавзу. Электр занжир параметрларини ўлчаш.

Амперметр ва вольтметр усули. Омметрлар, Кўприкли схемалар ва улар ёрдамида қаршиликни ўлчаш. Якка ва қўшалоқ (иккиланган) ўзгармас ток кўприклари. Ўзгарувчан ток кўприкларининг умумий назарияси ва уларнинг ҳар хил вариантили схемаларини ишланиши. Ўзгарувчан ток кўприклари ёрдамида индуктивлик, сигим, ўзаро индуктивликларни ўлчаш. Автоматик кўприклар, уларнинг ишланиши, хусусиятлари.

10-мавзу. Электр катталикларини компенсацион усулда ўлчаш.

Ўзгармас ток потенциометрлари, уларнинг турлари, ишланиши, хусусиятлари. Ўзгармас ток потенциометри ёрдамида ток, кучланиш, электр юритувчи куч ва қаршиликни ўлчаш принциплари. Ўзгарувчан ток потенциометрлари, турлари (тўғри бурчак координатли ва қутб-координат тизимли потенциометрлар). Уларнинг ишланиши ва хусусиятлари.

11-мавзу. Рақамли ўлчаш асбоблари ва улар ёрдамида ҳар хил катталикларни ўлчаш.

Рақамли ўлчаш асбоблари тўғрисида умумий маълумотлар. умумлашган структура схемаси. Рақамли ўлчаш асбобларининг асосий қисмлари, уларнинг функцияси. Рақамли ўлчаш асбоблари ёрдамида ҳар хил катталикларни ўлчаш: рақамли вольтметрлар, рақамли частотомерлар, фазометрлар, вақт интервалини ўлчагичи, рақамли омметрлар. Уларнинг блок схемаси, хусусияти, хатоликлари.

12-мавзу. Электрон осциллографлар.

Электрон осциллографнинг функционал (блок) схемаси. Электрон осциллографнинг алоҳида блоклари ва уларнинг функцияси. Электрон нурли трубканинг тузилиши ва экранда тасвирни ҳосил бўлиш принципи. Электрон осциллографи экранидаги ҳар хил ёймалар ҳосил қилиш усуллари (чизиқли ёйма усули, айланма ёйма усули, Лиссажу шакллари усули). Ёйма генераторининг схемаси, унинг ишланиши. Электрон осциллографи (осциллографик ёйма усуллар) ёрдамида номаълум кучланиш, ток, частота, фаза силжиш бурчагини, комплекс қаршиликни ўлчаш.

“Чизиқли-бурчакли ўлчашлар” қисми бўйича:

3-Модул. Чизиқли-бурчакли ўлчашлар

13-мавзу. Чизиқли-бурчакли ўлчашлар.

Асосий тушунча ва таърифлари. Тўғри чизиқли-бурчакли ўлчаш асбобларига бўлган талаблар: аниқлик, сезгирилик, ишончлилик, ўлчов камрови.

14. Чизиқли ва бурчакли ўлчашларини асосий усуллари ва воситалари.

Чизиқли ва бурчакли ўлчашларини асосий усуллари ва техникавий воситалари. Чизиқли ва бурчакли ўлчашлар занжирининг асосий элементлари. Чизиқли ва бурчакли ўлчашлар занжирининг асбоб-ускуналари.

15-мавзу. Чизиқли ва бурчакли катталикларни ўлчовчи бирламчи ўлчов ўзгарткичлари ва асбоблари тузилишини физик асослари.

Чизиқли ва бурчакли ўлчашлар асбоблари ва усуллари асосини ташкил қилган ҳодиса қонуниятлари ва физикавий эффектларни тизимлаштириш.

16-мавзу. Механик усуллар ва асбоблар.

Чизиқли ўлчашларнинг техник усул ва асбоблари. Узунлик ва силжиши ўлчовчи механик қурилмаларни синфлаштириш. Чизиқли ўлчаш техник воситаларининг асосий тавсиф ва имкониятлари.

17. Бурчак катталиклар ва силжишларнинг механик усул ва асбоблари.

Бурчак катталиклар ва силжишларнинг механик усул ва асбоблари ва уларни синфлаштириш. Чизиқли ва бурчак силжишда механик воситаларининг асосий тавсифлари ва ривожланишининг келажаги.

18-мавзу. Электрик усуллар ва асбоблар.

Чизиқли ва бурчак катталикларнинг электрик ўзгарткичлари, ҳамда уларнинг асосий конструкция ва тавсифлари.

19. Электромагнит ўзгарткичларнинг физик асослари.

Электромагнит майдон ва унинг характеристикалари. Электромагнит индукция вектори. Айланма ва уормали магнит майдоён характеристикалари. Магнит материаллар тафсифи.

20. Силжишларнинг электромагнит ўзгарткичлари

Силжишларнинг электромагнит ўзарткичлари, улар синфлари, тузилиш асослари. Чизиқли ва бурчак силжишларининг тақсимланган магнит майдон ўзарткичи.

21-мавзу. Электромагнит усуллар ва асбоблар.

П-симон магнит ўтказгич ва ҳаракатланган ўлчов ғалтакли электромагнит ўзарткичи. Чизиқли-бурчак силжишларининг ҳаракатланган ферромагнит ўзакли электромагнитавий ўлчаши.

22. Электромагнит ўзарткичларнинг тузилиш асослари, асосий тавсифлари.

Электромагнит ўзарткичларнинг тузилиш асослари, асосий тавсифлари. Чизиқли силжишларнинг ҳаракатланган экранли электромагнит ўлчов ўзарткичлари. Синфлари, тузилиш асослари, тавсифлари.

23. Кўзгалувчан ўлчаш ғалтакли электромагнит ўзарткичлар.

Кўзгалувчан ўлчаш ғалтакли электромагнит ўзарткичлар. Унинг тузилиши ва конструкцияси, ўлчаш хатолиги ва асосий характеристикалари.

24. Кўзгалувчан экранли электромагнит ўзарткичлар ва уларнинг характеристикалари.

Кўзгалувчан экранли электромагнит ўзарткичлар. Унинг тузилиши ва конструкцияси, ўлчаш хатолиги ва асосий характеристикалари. Ўзарткичларда юз берадиган физик жараёнлар.

25. Электромагнит ўзарткичларнинг математик модели.

Ўлчанаётган объект математик моделининг объектив ва субъектив тасаввuri. Электромагнит ўзарткич параметрларини моделлаштириш. Ўзарткич математик моделининг статик тавсифи.

26. Электромагнит ўзарткичларнинг физик модели.

Электромагнит ўзарткичнинг физик модели ва унинг моҳияти.

Электромагнит ўзарткичда юз берадиган физик жараёнлар ва магнит майдонининг тақсимланган параметрлари.

27-мавзу. Оптоэлектрон ўзарткичларнинг физик асослари.

Ёруғлик манбалари ва уларнинг турлари. Ёритилганлик. Геометрик оптика. Ёруғлик оқимини қабул қилувчи қурилмалар. Ички ва ташқи фотоэффект ҳодисалари.

28-мавзу. Оптоэлектрон усуллар ва асбоблар.

Чизиқли ва бурчак силжишларнинг оптоэлектрон ўзарткичлари. Уларнинг асосий элементлари, тузилиш асослари, структуралари ва асосий тавсифлари.

29-мавзу. Дифференциал конструкцияли оптоэлектрон ўзарткичлар.

Чизиқли ва бурчак силжишларнинг бўш ёритгичларга асосланган оптоэлектрон ўзарткичлари. Уларнинг ҳисоби ва назарияси, тузилиш асослари, асосий тавсифлари.

30-мавзу. Чизиқли ва бурчак силжишлар ўлчаш натижаларини қайта ишлаш. Кичик квадратлар усули ва корреляцион анализ. Ўлчашларнинг дисперсияси.

31-мавзу. Иссиклик усуллари ва асбоблари.

Чизиқли ва бурчак силжишларнинг иссиқлик ўлчов ўзарткичлари. Уларни ҳисоб ва назарияси, синфлари, асосий элементлари, тузилиш асослари ва тавсифлари. Чизиқли ва бурчак силжишлар иссиқлик ўлчов ўзарткичларининг конструкцияси, ўлчов схемалари. Уларга мисоллар.

32-мавзу. Чизиқли ва бурчак силжишларнинг метрологик таъминоти.

Чизиқли ва бурчак силжишларнинг намунавий ва этalon воситалари. Чизиқли ва бурчак силжишлар асосларининг синаш ва текшириш учун ўлчов қурилмалари. Чизиқли ва бурчак ўлчашларини метрологик таъминлари ва натижаларини қайта ишлаш усуллари. Чизиқли ва бурчак ўлчашлар асбоб ва усуллари ривожланишининг келажаги, курс асосий қисмларининг умумий такорори.

“Иссиқлик техникасида ўлчашлар” қисми бўйича:

4-Модул. Температурани ўлчаш асослари

33-мавзу. “Иссиқлик техникасида ўлчашлар” фанига кириш

Кириш. Фаннинг мақсад ва вазифалари. Ишлаб чиқаришда назорағ қилиш ва бошқариш жараёнлари ҳамда илмий изланишларда ўлчашнинг аҳамияти. Ўлчаш ҳақида тушунча, ўлчаш усуллари. Ўлчаш асбоблари. Ўлчаш асбобларнинг хатоликлари ва

метрологик тавсифи. Саноат асбобларининг давлат тизимини тузиш асослари. Ўлчаш асбобларининг туркумланиши.

34-мавзу. Температурани ўлчаш усуллари ва асбоблари.

Температурани ўлчаш. Иссиклик жараёнлари. Температура хақида тушунчалар. Температурани ўлчаш ҳақидаги асосий маълумотлар ва ўлчаш асбобларининг классификацияси. Суюқлик, дилатометрик ва биметалли термометрлар. Термоэлектрик термометрлар. Термоэлектр материаллар ва термоэлектр ўзгарткичлар. ТермоЭЮК ни ўлчаш воситалари. Милливольтметрлар, Потенциометрлар. Қаршилик термометрлари. Қаршилик термометрлари билан температурани ўлчаш усуллари. Логометрлар. Қаршиликларни ўлчашнинг компенсацион ва кўприк усуллари. Нурланиш пиromетрлари. Квазиомонохроматик, спектрал нисбатли ва тўлиқ нурланиш пиromетрлари. Термометрларнинг тузилиши ва ишлаш принциплари. Асосий характеристикалари.

5-Модул. Температурага боғлиқ параметрларни ўлчаш усуллари ва воситалари

35-мавзу. Босим ва сийракланишни ўлчаш.

Асосий маълумотлар ва туркумланиши. Босим. Ўлчаш бирликлари. Босим ва сийракланиш асбобларининг классификацияси. Суюқликли босим ўлчаш асбоблари. Босим ва босимлар фарқини ўлчашда дифманометрларни қўллаш. Деформацион манометрлар. Юк-поршени ва электр манометрлари.

36-мавзу. Модда миқдори ва сарфини ўлчаш.

Умумий маълумотлар, миқдор ва сарфни ўлчашда асосий ўлчаш бирликлари. Суюқлик ва газлар миқдорини счётчиклар билан ўлчаш. Хажм, тезлик ва вазн счётчиклари. Босимлар фарқи ўзгарувчан ва ўзгармас сарф ўлчаш усуллари. Стандарт торайтирувчи қурилмалар. Тезлик босим бўйича сарф ўлчагичлар. Ўзгарувчан сатҳли сарф ўлчагичлар. Индукцион ва ультратовушли сарф ўлчагичлар. Иссиклик сарф ўлчагичлар. Иссиклик ҳисоблагичлари.

37-мавзу. Суюқлик ва сочилувчан моддалар сатхининг баландлигини ўлчаш.

Суюқлик ва сочилувчан моддалар сатхининг баландлигини ўлчаш хақида умумий маълумотлар. Қалқовичли сатҳ ўлчагичлар. Гидростатик сатҳ ўлчагичлар. Электр ва термокондуктометрли сатҳ

ўлчагичлар. Сочилувчан моддаларнинг сатхини ўлчаш. Радиоизотопли ва ультратовушли сатҳ ўлчагичлар.

“Акустик ўлчашлар” қисми бўйича:

6-Модул. Акустик ўлчашлар.

38-мавзу. Акустик ўлчашлар.

Акустик ўлчашлар курсида фойдаланиладиган тушунча ва таърифлар Ўзбекистон стандартлари О’zDST 8.010.1, О’zDST 8.010.2, О’zDST 8.010.3, О’zDST 8.10, О’zDST 5.5, ГОСТ 26120, ГОСТ 22547 давлатлараро стандартларида ўз аксини топган.

39-мавзу. Акустик ўлчашларнинг умумий масалалари.

Акустик катталикларнинг ўлчов бирликлари. Акустикавий ўлчашлар (АЎ). АЎ соҳасидаги давлат эталонлари. Товуш тебранишлари (ТТ).

40. Товуш тебраниш нурлатгичлари ва қабул қилгичлари.

Товуш нурлатгичлари ва қабул қилгичлари. Электроакустик ва электродинамик товуш ўзгарткичлари. Электроакустик сигналларни уйготиш ва уларни кучайтириш, кўрсатиш ва қайд қилиш учун мўлжалланган электрон асбоблар.

41-мавзу. Пъзоэлектрик ўлчаш ўзгарткичлари ва қурилмалари.

Пъзоэлектрик ўлчашларнинг физик асослари. Пъзоэлектрик сигналларни уйготиш ва уларни кучайтириш, кўрсатиш ва қайд қилиш учун мўлжалланган электрон асбоблар.

42-мавзу. Асосий акустик ўлчашларни бажариш шароитлари.

Гармоник, частотавий-модуляцияланган, шовқин ва импульс сигналларнинг асосий характеристикалари ва улардан фойдаланиш.

43-мавзу. Товуш босимини ҳавода ўлчаш.

Ҳаводаги товуш сигналларининг йўналганлик характеристикалари. Тарқалиш тезлигини мухитга боғланиши. Товуш тебранишларини эластик ва ноэластик мухитларда тарқалиши. Товуш тезлигини шлчащ усуллари.

44-мавзу. Товуш катталикларини ўлчаш ўзгарткичлари ва воситалари.

Буғик ва реверберацион камералар ва уларнинг конструкциялари. Камераларнинг ютиш ва қайтариш

коэффициентлари ва уларни ўлчаш усуллари. Товуш интенсивлиги ва кувватини ўлчаш воситалари. Суюқликларда товуш босимини ўлчаш.

45-мавзу. Ўлчанадиган сигналларнинг таҳлили.

Спектриал таҳлили турлари. Корреляцион анализини математик асослари. Корреляция коэффициенти. Акустик жараёнларни корреляцион анализ қилиш.

46-мавзу. Статистик анализ. Ўлчаш натижаларини статистик таҳлили, уларнинг дисперсияси ва ўртача квадратик оғишлари. Чизиқли бўлмаган бузилишни ўлчаш.

47-мавзу. Акустик параметрларни ўлчаш ва уларнинг таҳлили.

Гидроакустик ўлчаш ҳовузлари ва уларга қўйиладиган талаблар. Очик сув ҳавзаларида ўлчаш. АЎ натижаларига интерференция ва дифракция ходисаларининг таъсири.

48-мавзу. Товушнинг куч параметрларини ўлчаш.

Товуш нурланиш куввати ва интенсивлигини ўлчаш усуллари. Товуш нурлагичининг ф.и.к. аниқлаш. Акустик ва солиштирма қаршиликларини ўлчаш усуллари.

49-мавзу. Физологик акустика соҳасидаги акустик ўлчашлар.

Акустик ўлчашларда логарифмик катталикларининг кўлланилиши. Товуш босими ўзгаришининг нисбийлик қонуни. Физологик акустиканинг асосий элементлари ва характеристикалари.

50-мавзу. Физологик акустика соҳасидаги ўлчашларнинг элементлари.

Физологик акустика соҳасидаги ўлчашлар. Аудиология. Аудиометрик ўзгарткичлар, ўлчагичлар ва уларнинг асосий элементлари.

51-мавзу. Товуш сигналларини қабул қилиш ва эшлиши аппаратлари.

Товуш сигналларини эшлиши аппаратлари. "Суъний қулоқ" ва "Суъний мастоид" асбоблари, уларнинг конструкциялари. Товуш сигналларининг ўзгарткичлари. Аудиометрларнинг қиёсланиши ва унда қўлланиладиган ўлчаш воситалари.

52-мавзу. Акустик ўлчаш асбобларини даражалаш.

Даражалашнинг умумий масалалари. Мутлоқ ва нисбий даражалаш. Даражалаш жараёнига халақит берувчи омиллар. Дифракция ва интерференция ходисалари таъсирини камайтириш.

53-мавзу. Ўзаро алмаштириш усулида даражалаш

Товуш нурлагичларини ва қабул қилгичларни ўзаро алмаштириш принципи асосида даражалашнинг асосий элементлари. Бевосита ўлчаш натижалари асосида сезгирикни хисоблаш ва ўлчаш хатолиги оралигини аниқлаш.

54-мавзу. Даражалашнинг ўлчаш асбоб-ускуналари.

Товуш нурлагичларини ва қабул қилгичларни даражалаш жараёнида катнашадиган ўлчаш асбоб-ускуналари. Кучланиш ва частота бўлгич қурилмаси. Операцион кучайтиргичлар ва генераторлар. Фазани силжитиш қурилмаси.

55-мавзу. Микрофон ва гидрофонларни даражалаш усуллари.

Микрофон ва гидрофонларни акустик най ва пистанфон ёрдамида даражалаш. Микрофон ва гидрофоннинг сезгирилиги. Даражалашда микрофоннинг товуш йўналганлик характеристикасини хисобга олиш.

56-мавзу. Электростатик ва пьезоэлектрик компенсация усуллари.

Электростатик ва пьезоэлектрик компенсация усуллари ёрдамида даражалаш. Электростатик ва пьезоэлектрик компенсация усулларининг сезгирик билан боғланиши.

57-мавзу. Чизиқли бўлмаган эффектлар асосида даражалаш.

Чизиқли бўлмаган эффектларга асосланган даражалаш усулларининг можияти. Товуш тебранишлари катталикларининг вақтга нисбатан экспоненциал қонун бўйича ўзгариши. Товушнинг вақт бўйича децибелларда камайиши.

58-мавзу. Аниқ акустик ўлчашларни бажариш.

Товуш катталикларини аниқ ўлчашнинг физик ва электроник асослари. Товуш ва шовқин тебранишлари анализаторлари ва уларнинг ажратиш қобилияти. Шовқин даражасини ўлчаш.

59-мавзу. Ўлчашлар ишончлилигига баҳо бериш. Ўлчаш натижаларини қайта ишлаш. Кичик квадратлар усули. Акустик

ўлчашлар аниқлигини белгиловчи омиллар. Акустик ўлчашларни автоматлаштириш.

“Физикавий ва кимёвий ўлчашлар” қисми бўйича:

7-Модул. Физикавий - кимёвий ўлчаш асослари. Зичлик ва қовушқоқликни ўлчаш усуллари ва воситалари.

60-мавзу. “Физикавий - кимёвий ўлчашлар” фанига кириш

Кириш. “Физикавий - кимёвий ўлчашлар” фанининг мақсади ва вазифалари. Ўлчашлар ҳақида умумий маълумотлар. Ўлчашлар, ўлчаш турлари, ўлчаш воситалари, уларнинг элементлари ва параметрлари. Ўлчаш хатоликлари ва ўлчаш асбоблари ҳақида умумий маълумотлар.

61-мавзу. Физикавий-кимёвий ўлчашларда ўлчаш тизимларининг тавсифлари

Ўлчаш воситаларининг структураси, физикавий-кимёвий ўлчашларда ўлчаш системалари хатоликларини баҳолаш. Ўлчаш асбобларининг ишончлилиги ҳақида асосий тушунчалар ва маълумотлар.

62-мавзу. Суюқликларнинг зичлигини ўлчаш.

Зичликни ўлчаш бўйича асосий маълумотлар, зичликни ўлчаш асбобларининг классификацияси. Қалқовичли зичлик ўлчаш асбоблари, вазни зичлик ўлчагичлар, гидростатик зичлик ўлчагичлар, радиоизотопли зичлик ўлчагичлар. Суюқликларни зичлигини ўлчаш асбобларини саноат ва ишлаб чиқаришда қўллашнинг аҳамияти.

63-мавзу. Суюқликларнинг қовушқоқлигини ўлчаш.

Қовушқоқликни ўлчаш бўйича асосий маълумотлар, ўлчаш асбобларининг классификацияси, капиллярли вискозиметрлар, шарикли вискозиметрлар, ротацион вискозиметрлар, тебранишли вискозиметрлар. Вискозиметрларнинг турли хил технологик жараёнларида қўллашишининг аҳамияти.

8-Модул. Газ ва суюқликлар таркибини анализ қилиш усул ва воситалари

64-мавзу. Газларнинг таркибини анализ (таҳлил) қилиш.

Асосий маълумотлар, газлар таркибини анализ қилиш асбобларининг классификацияси. Термокондуктометрик газ анализаторлари, термомагнит газ анализаторлари, оптик газ анализаторлари, электрохимиявий газ анализаторлари,

термохимиявий газ анализаторлари. Фотокалориметрик газ анализаторлари, хроматографик газ анализаторлари, массспектрометрик газ анализаторлари. Газоанализаторларнинг ишлаб чиқаришнинг турли хил технологик жараёнларида қўллашилигининг аҳамияти.

65-мавзу. Суюқликларнинг таркибини анализ (таҳлил) қилиш.

Асосий маълумотлар, анализ қилиш асбобларининг классификацияси. Анализ қилишнинг кондуктометрик усули, потенциометрик усули, оптик усули, радиоизотопли усули. Суюқликлар таркибини ўлчашнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти

66-мавзу. Моддалар (газ, суюқлик, сочиливчан) нинг намлигини ўлчаш.

Намликни ўлчаш бўйича асосий маълумотлар. Намликни ўлчаш усуллари ва асбобларини классификацияси. Газларнинг намлигини ўлчаш. Суюқликларнинг намлигини ўлчаш. Қаттиқ ва сочиливчан материалларнинг намлигини ўлчаш. Юқори ва ўта юқори частоталарда намликни ўлчаш усуллари ва асбоблари

Физикавий-кимёвий ўлчашлар бўйича замонавий ўлчов асбоблари тўғрисида янги маълумотлар. Интернет материаллари

IV. Амалий машғулотлар бўйича кўрсатма ва тавсиялар

“Электр ўлчаши усуллари ва асбоблари” қисми бўйича:

Амалий машғулот бўйича қўйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Электр ўлчаш асбобларининг метрологик (статик ва динамик) хусусиятларини ўрганиш.

Ўлчаш хатоликлари. Тасодифий хатоликларнинг тақсимланиш қонуниятларини ўрганиш. Билвосита ўлчаш натижаларини қайта ишлаш ва хисоблаш.

2. Ўлчаш аниқлигининг эҳтимолий баҳоланиши. Хатоликларни хисоблаш ва камайтириш усулларини урганиш.

3. Масштабли ўзгарткичлар, уларнинг ишлатилиши. Масалалар ечиш.

5. Қайд қилиш усулларини ўрганиш: магнитлаш ёрдамида ёзиш, электрон нур ёрдамида ёзиш.

6. Рақамли ўлчаш асбобларининг асосий қисмлари, уларнинг ишлаши ва усулиятларини ўрганиш.

7. Электрон осциллографи экранида ҳар хил ёймалар ҳосил қилиш усулларини ўрганиш ва уларни амалий максадларда ишлатилиши.

“Чизиқли бурчакли ўлчашлар” қисми бўйича:

1. Кичик чизиқли силтишларни индуктив қайта шакллантириш қурилмаси (ўзгарткичнинг) схемаси.

2. Реостатли ўзгарткичларни чизиқли силжишини хисоблаш.

3. Сигимли ўзгарткичи силжиши.

4. Электромагнит ўзгарткичнинг статик характеристикасини олиш.

5. Чизиқли ва бурчакли силжишларни ўлчовчи чулғамили ўзгарткич ёрдамида ўлчаш.

6. Оптоэлектрон ўзгарткичини бурчакли хисоблаш.

7. Оптоэлектрон ўзгарткичнинг статик характеристикасини олиш.

8. Ўлчаш натижалари асосида корреляция коэффициентини аниқлаш.

9. Оптоэлектрон ўзгарткич статик характеристикини бўйича унинг элементларини оғишини хисоблаш

“Иссиқлик техникасида ўлчашлар” қисми бўйича:

Амалий машғулот бўйича куйидаги мавзулар тавсия этилади:

2. Ўлчаш хатоликларини аниқлаш бўйича масалалар ечиш

3. Температурани ўлчашда юзага келадиган хатоликларни аниқлаш бўйича масалалар ечиш.

4. Температурани ўлчашда кўлланиладиган иккиласмчи асбобларнинг хатоликларини аниқлаш бўйича масалалар ечиш.

5. Босим ва сийракланишни ўлчашда юзага келадиган хатоликларни аниқлаш бўйича хисоблаш ишларини амалга ошириш.

6. Сарф ўлчагичларнинг хатоликларини аниқлаш бўйича масалалар ечиш.

7. Сатҳ ўлчаш асбобларининг хатолигини аниқлаш бўйича масалалар ечиш.

8. Майший сув ва газ ҳисоблагичларининг хатолигини аниқлаш бўйича масалалар ечиш.

“Акустик ўлчашлар” қисми бўйича:

1. Товуш нурлантирувчи қурилмалар.

2. Товуш босимини ўлчаш қурилмалари.

3. Акустик алоқа камералари ва унинг элементлари.

4. Микрофоннинг конструкцияси ва ишлаш принципи.

5. Гидрофоннинг конструкцияси ва ишлаш принципи.

6. Физиологик акустика ва унинг элементлари.

7. Товуш сигналини кучайтириш ва ўзгариши қурилмалари.

8. Акустик ўзгарткичларни даражалаш усуллари.

9. Акустик ўзгарткичларни даражалашнинг ўзоролик усули.

10. Акустик ўзгарткичларни асосий параметрларини ўлчаш.

11. Гидроакустик ўлчаш қурилмалари ва уни даражалаш.

12. Товуш тебранишларининг тезлиги ва акустик қаршиликни ўлчаш.

13. Товуш интенсивлиги ва кувватини ўлчаш усулларига доир масалалар ечиш.

14. Товуш параметрлари ўлчашларини қайта ишлаш.

“Физикавий ва кимёвий ўлчашлар” қисми бўйича:

Амалий машғулот бўйича қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Радиоизотопли зичлик ўлчагичнинг метрологик характеристикаларини аниқлаш.

2. Капиляр шишили вискозиметрларни қиёслашни ўтказища вискозиметр доимийлигини аниқлаш.

3. Фотометрик ўлчашларда градуировка қилиш графиги параметрларини хисоблаш, куриш ва анализ қилиш.

4. Температуравий тузатма бўлмагандан рН-метр электрод системасининг хатолигини аниқлаш.

5. Термокондуктометрик газанализаторни градуировка қилиш, хатолигини баҳолаш.

6. Ҳавонинг намлигини аниқлаш.

Амалий машғулотларда талабалар турли электр ўлчаш воситалари ёрдамида ҳар хил параметрларни ўлчаш ва хисоблаш асосларини ўрганадилар.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан кўрсатма ва тавсиялар ишлаб

чиқилади. Унда талабалар асосий маъруза мавзулари бўйича олган билим ва кўнилмаларини амалий масалалар ечиш орқали янада бойитадилар. Шунингдек, дарслик ва ўкув қўлланмалар асосида талабалар билимларини мустаҳкамлашга эришиш, тарқатма материаллардан фойдаланиш, илмий мақолалар ёзиш, чоп этиш орқали ўз билимини ошириш, масалалар ечиш мавзулар бўйича рефератлар тайёрлаш ва бошқалар тавсия этилади.

V. Лаборатория машғулотлари бўйича кўрсатма ва тавсиялар

“Электр ўлчаш усувлари ва асбоблари” қисми бўйича:

Лаборатория ишлари талабаларда электр ўлчаш усувлари, воситалари бўйича, хар хил катталиклар ҳақида, ўлчаш хатоликлари, уларни ҳисоблаш ва баҳолаш бўйича амалий қўнилма ва малака ҳосил қиласди.

1. Хар хил тизимдаги ўлчаш асбобларини текшириш, хатоликларини аниқлаш.

2. Ўлчаш натижаларини қайта ишлаш.

3. Бир фазали ток занжирида энергия ўлчаш.

4. Кўприкли схемалар ёрдамида ўлчаш. Ўзгармас ток кўприги ёрдамида қаршилик ўлчаш.

5. Хар хил катталикларни компенсация усулида ўлчаш ва натижаларини қайта ишлаш.

6. Автоматик кўприкнинг статик характеристикаларини текшириш.

7. Электрон осциллограф экранидаги түғриланған кучланиш эгри чизигини ҳосил қилиш ва кузатиш.

8. Электрон осциллограф ёрдамида частота ва фаза силжиш бурчагини ўлчаш.

“Чизиқли ва бурчакли ўлчаш” қисми бўйича:

1. Чизиқли ва бурчак силжишларни электромагнит ўзgartкичлари ёрдамида ўлчаш.

2. Чизиқли ва бурчак катталикларнинг магнит экранли электромагнит ўзgartкичлари ёрдамида ўлчаш.

3. Чизиқли ва бурчак катталикларини ферромагнит ўзакли электромагнит ўзgartкичлари ёрдамида ўлчаш.

4. Чизиқли ва бурчак силжишларнинг бўш ёриткичларга асосланган оптоэлектрон ўзарткичлари.

5. Чизиқли ва бурчак силжишларнинг потенциометрик ўзарткичлари ёрдамида ўлчаш.

6. Чизиқли ва бурчак силжишларнинг сифим ўзарткичлари ёрдамида ўлчаш.

7. Чизиқли ва бурчак катталикларни механик асбоблар ёрдамида ўлчаш.

8. Чизиқли катталикларни оптоэлектрон ўзарткич ёрдамида ўлчаш.

9. Бурчак катталикларни оптоэлектрон ўзарткич ёрдамида ўлчаш.

“Иссиклик техникасида ўлчашлар” қисми бўйича:

1. Температура ўлчаш асбоблари билан тажрибалар ўтказиш.

2. Термоэлектрик термометрлар.

3. ТермоЭЮК ни иккиласми асбоблар билан ўлчаш.

4. Қаршилик термометрлари, уларнинг тузилиши, турлари ва асосий характеристикалари. Қаршилик термометрларини билан температурани ўлчаш.

5. Автоматик мувозанатланган кўпrik ёрдамида температурани ўлчаш.

6. Босимни манометрлар билан ўлчаш.

7. Суюқликлар ва газларнинг сарфини ўлчаш.

8. Суюқликлар ва газларнинг миқдорини хисоблагичларда ўлчаш.

9. Сатҳ ўлчаш асбоби билан тажриба ўтказиш ва компьютерда виртуал сатҳ ўлчаш асбобини ўрганиш ва тажриба ўтказиш.

“Акустик ўлчашлар” қисми бўйича:

1. Стандарт диафрагманинг оптоэлектрон радиус ўлчагичи.

2. Микрофоннинг ишлаш принципини ўрганиш ва уни даражалаш.

3. Электроакустик генераторни умумий схемасини ўрганиш ва характеристикасини олиш.

4. Шовқин ўлчаш қурилмасини блок схемасини ўрганиш ва қиёслаш.

5. Реверберацион камерани тузилиши ва реверберация вақти.

6. Акустик бўғиқ камерани ўрганиш.

7. Пистонфон нурлатгичи ва унинг характеристикаларини ўрганиш.

“Физикавий ва кимёвий ўлчашлар” қисми бўйича:

1. Суюқликларнинг зичлигини ўлчаш усулини ўрганиш
2. Суюқликларнинг қовушқоқлигини ўлчаш усулини ўрганиш

3. Фотоколориметрик анализ қилиш усулини ўрганиш
4. Эритманинг pH катталигини ўлчаш усулини ўрганиш
5. Термокондуктометрик газанализаторларни ўрганиш
6. Материаллар намлигини ўлчаш усули ва ўлчаш асбобини ўрганиш.

Лаборатория ишларини бажаришда талабалар турли ўлчаш воситалари ёрдамида ҳар хил параметрларни ўлчаш ва ҳисоблаш асосларини ўрганадилар.

Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

VI. Курс ишини ташкил этиш бўйича услубий кўрсатмалар

Курс ишининг мақсади талабаларни мустақил ишлаш қобилиятини ривожлантириш, олган назарий билимларини кўллашда амалий кўнікмалар ҳосил қилиш, реал шароитда ишлатилаётган ўлчаш воситаларини метрологик тавсифларини аниқлаш ҳамда уларнинг ишга яроқлилик даражасини аниқлашдан иборат.

Курс ишининг мавзулари бевосита ишлаб чиқариш корхоналарида кўлланилаётган ўлчаш воситаларининг биронта турига боғлиқ ҳолда тузилади. Курс ишининг ҳисоб-график ишлари замонавий компьютер дастурларида бажарилиши тавсия этилади.

Курс ишининг намунавий мавзулари:

1. Ўлчаш воситаларининг метрологик ҳусусиятларини тадқик қилиш.
2. Электр ўлчаш асбобларининг классификацияси.
3. Ўлчаш хатоликлари ва уларни ҳисоблаш.
4. Электр катталикларини компенсацион усулда ўлчаш принципини ўрганиш.

5. Электр катталикларини дискрет усулда ўлчаш асбобларини ўрганиш.

6. Осциллографик усуллар ёрдамида ҳар хил катталикларни ўлчаш ва ҳисоблаш.

7. Замонавий электр энергия ҳисоблагичларининг метрологик кўрсаткичларини аниқлаш ва ҳисоблаш.

8. Ўлчаш хатоликларини бартараф этиш усуллари.

9. Аналогли ўлчаш асбобларининг метрологик характеристикаларини аниқлаш ва ҳисоблаш.

10. Термометрик кенгайиш усули асосида температурани ўлчаш асбоблари.

11. Замонавий температура ўлчаш асбобларини ўрганиш.

12. Қаршилик термометрлари асосида температурани ўлчаш асбоблари.

13. Босим ўлчаш асбобларини ўрганиш.

14. Юқори ва ўтга юқори частотада материаллар намлигини ўлчаш асбоблари.

15. Ўзгарувчан босим усули асосида газ ва суюқлик сарфини ўлчаш асбоблари.

16. Ўзгармас босим усули асосида газ ва суюқлик сарфини ўлчаш асбоблари.

17. Суюқлик манометрлари асосида босимни ўлчаш асбоблари

18. Иссиклик усули асосида газ ва суюқлик сарфини ўлчаш асбоблари.

19. Оптик, иссиқлик усуллари асосида суюқлик сатҳини ўлчаш асбоблари

20. Сигимли усул асосида намликни ўлчаш асбоблари

21. Оптик усул асосида суюқлик концентрациясини ўлчаш асбоблари.

22. Электр усули асосида газ концентрациясини ўлчаш асбоблари.

23. Суюқликларнинг зичлигини, қовушқоқлигини ўлчаш асбоблари.

24. Технологик параметрлар (силжиш, куч, температура, босим, сарф ва бошқ.)ни ўлчашда индуктив датчикларни кўллаш.

25. Ҳамлик, силжиш, сатҳ, концентрация ва бошқаларни ўлчашда сигимли датчикларни кўллаш.

VII. Мустақил таълдим ва мустақил ишлар

“Электр ўлчаш усуллари ва асбоблари” қисми бўйича тавсия этиладиган мавзулар:

1. Электр ўлчашларнинг фан-техника тараққиётидаги тутган ўрни.
2. Халқ хўжалигидаги кўлланиладиган электр ўлчаш воситаларининг ривожланиш тенденциялари.
3. Электр ўлчаш воситаларининг метрологик тавсифлари.
4. Электр занжир параметрларини ўлчаш усуллари.
5. Ўлчаш техникасида микропроцессорли рақамли асбобларни кўллаш.
6. Рақамли ўлчаш асбобларининг асосий қисмлари.

“Чизиқли ва бурчакли ўлчашлар” қисми бўйича тавсия этиладиган мавзулар:

1. Чизиқли ва бурчакли катталикларни ўлчовчи бирламчи ўлчаш ўзгарткичлари ва асбоблари тузилишини физик асослари.
2. Механик усуллар ва асбоблар. Чизиқли ўлчашларнинг усуллари ва асбоблари.
3. Электрик усуллар ва асбоблар. Чизиқли ва бурчак катталикларнинг электрик ўзгарткичлари ҳамда уларнинг асосий конструкцияси ва тавсифлари.
4. Чизиқли ва бурчак силжишларининг тақсимланган П-симон магнит ўтказгич ва кўзгалувчан ўлчаш ғалтакли электромагнит ўзгарткичи.
5. Чизиқли силжишларнинг кўзгалувчан экранли электромагнит ўлчаш ўзгарткичлари.
6. Оптоэлектрон усуллар ва асбоблар. Чизиқли ва бурчак силжишларнинг оптоэлектрон ўзгарткичлари.
7. Иссиклик усуллари ва асбоблари. Чизиқли ва бурчак силжишларининг иссиқлик ўлчаш ўзгарткичлари.
8. Чизиқли ва бурчак силжишларнинг метрологик таъминоти. Чизиқли ва бурчак силжишларнинг намунавий ва этalon воситалари.
9. Кичик чизиқли силжишларни индуктив қайта шакллантириш курилмаси (ўзгарткичининг) схемаси
10. Реостатли ўзгарткичларни чизиқли силжишини хисоблаш.

11. Чизиқли ва бурчакли силжишларни ўлчовчи чулғамли ўзгарткич ёрдамида ўлчаш.

12. Чизиқли ва бурчак силжишларнинг ғалтакли электромагнит ўзгарткичлари ёрдамида ўлчаш.

13. Чизиқли ва бурчак катталикларнинг магнит экранли электромагнит ўзгарткичлари ёрдамида ўлчаш.

14. Чизиқли ва бурчак катталикларни ферромагнит ўзакли электромагнит ўзгарткичи ёрдамида ўлчаш.

15. Чизиқли ва бурчак силжишларнинг бўш ёриткичларга асосланган оптоэлектрон ўзгарткичлари.

16. Чизиқли ва бурчак силжишларнинг потенциометrik ўзгарткичлари.

Чизиқли ва бурчак катталикларни механик асбоблар ёрдамида ўлчаш.

“Иссиклик техникасида ўлчашлар” қисми бўйича тавсия этиладиган мавзулар:

1. Ўлчаш асбоблари ва ўлчаш хатоликлари.
2. Термоэлектрик термометрлар билан температурани ўлчаш.
3. Қаршилик термометрлари билан температурани ўлчаш.
4. Температурани монометрик термометрлар билан ўлчаш.
5. Температурани кенгайиш термометрлари билан ўлчаш.
6. Температурани нурланиш термометрлари билан ўлчаш.
7. Пружинали манометрлар билан босимни ўлчаш.
8. Босимни, босимлар фарқини дифманометрлар билан ўлчаш.
9. Босимни электр усуллар билан ўлчаш.
10. Гидростатик босим ўлчаш асбоблари.
11. Сарфни ўлчаш усуллари ва ўзгарувчан босимли сарф ўлчагичлар.
12. Сарфни ўлчаш усуллари ва ўзгармас босимли сарф ўлчагичлар.
13. Сарф ўлчаш усуллари ва электромагнит сарф ўлчаш асбоблари.
14. Иссиклик хисоблагичлари, тузилиши, турлари ва асосий характеристикалари.
15. Сатҳ ўлчаш усуллари ва қалқовучли сатҳ ўлчаш асбоблари.

“Акустик ўлчашлар” қисми бўйича тавсия этиладиган мавзулар:

1. Стандарт диафрагманинг оптоэлектрон радиус ўлчагичи.
 2. Товуш тўлқинларининг диапазони. Акустиканинг бўлимлари.
 3. Акустик катталиклар ва уларнинг ўлчов бирликлари. Логарифмик катталиклар.
 4. Товушни қабул қилгичлар ва ўзgartкич-лар. Микрофоннинг ишлаш принципи.
 5. Товушни нурлантиргичлар ва уларнинг классификацияси.
 6. Товуш нурлантиргичининг конструкцияси ва ишлаш принципи.
 7. Гидроакустик ўлчаш нурлантиргичлари ва уларнинг классификацияси.
 8. Акустик шовқинлар ва уларнинг класси-фикацияси. Шовқин даражаси.
 9. Акустик алоқа камералари. Бўғиқ камера ва унда товуш майдонини текшириш.
 10. Акустик ўзgartкичларнинг даражалаш усуслари. Ўзаро аниқлаш усули.
 11. Товуш майдони характеристикаларини ўлчаш ва тахлил қилиш.
 12. Акустик қаршиликни ўлчаш. Солишимтма ва актив акустик қаршиликларни ўлчаш.
 13. Кичик квадратлар усули билан логарифмик қонуниятни аниқлаш.
- “Физикавий ва кимёвий ўлчашлар” қисми бўйича тавсия этиладиган мавзулар:**
1. Ўлчаш воситаларининг структураси, физикавий-кимёвий ўлчашларда ўлчаш хатоликларини баҳолаш.
 2. Суюқликларнинг зичлигини ўлчаш.
 3. Суюқликларнинг қовушқоқлигини ўлчаш.
 4. Газларнинг таркибини анализ (тахлил) қилиш.
 5. Фотокалориметрик газ анализаторлари, хроматографик газ анализаторлари, масс-спектрометрик газ анализаторлари.
 6. Суюқликларнинг таркибини анализ (тахлил) қилиш.
7. Радиоизотопли зичлик ўлчагичнинг метрологик характеристикаларини аниқлаш.
 8. Капиляр шишили вискозиметрларни қиёслашни ўтказища вискозиметр доимийлигини аниқлаш.
 9. Фотометрик ўлчашларда градуировка қилиш графиги параметрларини ҳисоблаш, куриш ва анализ қилиш.
 10. Температуравий тузатма бўлмагандага pH-метр электрод системасининг хатолигини аниқлаш.
 11. Термокондуктометрик газ анализаторни градуировка қилиш, хатолигини баҳолаш.
 12. Ҳавонинг намлигини аниқлаш.
 13. Суюқликларнинг зичлигини ўлчаш усулини ўрганиш.
 14. Суюқликларнинг қовушқоқлигини ўлчаш усулини ўрганиш.
 15. Фотокалориметрик анализ қилиш усулини ўрганиш.
- Талаба мустақил ишни тайёрлашда “Ўлчаш усувлари ва воситалари” фанининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиш тавсия этилади:
- маърузалар матни, дарслик, ўкув қўлланмалар бўйича баъзи мавзуларни ўрганиш;
 - тарқатма материаллар бўйича маърузаларни ўзлаштириш;
 - ўлчаш натижаларини қайта ишлаш мавзуларига тегишли масалаларни чукурроқ ўрганиш;
 - талаба назарий материалларни асосий ва қўшимча адабиётлар, виртуал дарслик ва компьютер дастурларидан, интернет манзилларидан олиб ўрганиш.
 - талабанинг ўкув илмий-тадқиқот ишларини бажариши билан боғлиқ бўлган фан бўлимлари ва мавзуларини чукур ўрганиш;
 - Талаба фанга оид баъзи машғулотлар ўрнига замонавий ахборот манбаларидан янги маълумотларни ўзлаштириши, реферат тайёрлаши, илмий анжуманларда қатнашиб мақола тайёрлаши ва бошқа ижодий фаолият турлари билан шуғулланиши мумкин.

VII. Асосий ва қўшимча ўкув адабиётлари ҳамда ахборот манбаалари

Асосий адабиётлар

1. Қодирова Ш.А. Электрорадиоўлчашлар, Маъruzalар матни. – Т.: ТДТУ, 1999.
2. Исматуллаев П.Р, Кадырова Ш.А., Газиев Г.А. Электро-радиоизмерения, Учебная пособие. – Т.: ТГТУ 2007.
3. Исматуллаев П.Р., Қодирова Ш.А. Метрология асослари, Ўкув қўлланма. – Т.: Тафаккур, Extremum-Press, 2012.
4. Исматуллаев П.Р. ва бошқ. Физикавий-кимёвий ўлчашлар, Ўкув қўлланма. – Т.: ТДТУ, 2007.
5. Исматуллаев П.Р., Аъзамов А.А. ва бошқ. Иссиклик техникасида ўлчашлар, Ўкув қўлланма, – Т.: ТДТУ, 2007.
6. Horst Czichos, Leslie E. Smith Springer Handbook of Metrology and Testing 2nd ed. 2011 Edition Springer New York, 2011
7. G.K.Vijayaraghavan, R.Rajappan, Engineering Metrology and Measurements., For 5th Semester Mechanical and Automobile Engineering (As per the Latest Anna University Syllabus – Reg.,2008.

Қўшимча адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президентининг лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишлиган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. –Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2016. – 56 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Конун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 24 йиллигига бағишлиган тантанали маросимдаги мъарзуза 2016 йил 7 декабрь. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2016. – 48 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курамиз. - Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 488 б.
4. Ўзбекистон Респуббласини янада ривожлантириш

бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. - Т.:2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сонли Фармони.

5. Qodirova Sh.A., Umarova N.S., Axmedov M.Ya. Elektr o‘lchash usullari va asboblari fanidan laboratoriya ishlari va amaliy mashg‘ulotlarni o‘tkazish uchun uslubiy ko‘rsatma, T.: TDTU. 2014. – 96 b.

6. Исматуллаев П.Р., Қодирова Ш.А., Фозиев F.A. “Электр ўлчаш асбобларини таъмирлаш ва ростлаш”. 1-қисми. “Электр ўлчашлар ва ўлчаш асбоблари”. Касб-хунар колледжлари учун ўкув қўлланма, Т.: Шарқ, 2007. 6,2 б.т.

7. Абдувалиев А.А. и др. Основы обеспечения единства измерений, книга 1, Ташкент, 2005.

8. O‘zDSt 8.012:2005 «Государственная система обеспечения единства измерений Республики Узбекистан. Единицы величин»

9. Ахмедов Б.М., Бегунов А.А. Теоретические основы измерения влажности аналитических отраслях. Ташкент, 2006.–83с.

10. Раннев Г.Г. Методы и средства измерений, Учебник– М.: Академия, 2004.

Интернет сайтлари

1. www.zivonet.uz;
2. www.bilim.uz;
3. <http://www.kievpribor.com.ua>
4. <http://www.rostock.kiev.ua>
5. <http://www.sames.co.za>
6. www.smsiti.ilim.uz
7. <http://www.sames.co.za>